ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО GLOBAL G.A.P. СТАНДАРТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хурматов Йўлдашали Эргашалиевич
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти катта ўқитувчиси

Холдаров Шухратжон Турсунали ўғли
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти магистранти

Аннотация

Global G.A.P**. (Good Agricultural Practice)** – Энг яхши қишлоқ хўжалиги амалиёти. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун биринчи даражали стандарт бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини экиш вақтидан то маҳсулотларни йиғиб олишгача бўлган жараёнлар.

Annotation

Global G.A.P. (Good Agricultural Practice) is the best agricultural practice. It is the first-class standard for the production of agricultural products, processes ranging from the time of planting agricultural crops to the harvest of products.

Аннотация

Global G.A.P. (Good Agricultural Practice) – передовые методы ведения сельского хозяйства. Это первоклассный стандарт сельскохозяйственного производства, охватывающий процессы от времени посадки сельскохозяйственных культур до сбора урожая.

Калит сўзлар

Энг яхши қишлоқ хўжалиги амалиёти. Global G.A.P**.** Ўзстандарт, Экспертлар, Баҳолаш, Халқаро стандартлар.

Keywords

Best agricultural practice. Global G.A.P. Own standard, Expert, Evaluation, International standards.

Ключевые слова

Наилучшая сельскохозяйственная практика. Собственный стандарт Global G.A.P., Экспертиза, оценка, Международные стандарты.

Бугунги кунга келиб қишлоқ-хўжалиги соҳасига тегишли **1276** та стандартлар (шундан **893** таси халқаро стандартларга уйғунлашган, 70%) амалга киритилди. Буларнинг 309 таси халқаро ва 6 таси хорижий давлатларнинг стандартлари ташкил этади.

2018 йил 19 сентябрда «Ўзстандарт» агентлиги Синов ва сертификатлаш республика маркази ҳамда Италиянинг Rina Simtex компанияси ўртасидаги дастлаб меморандум имзоланган. Италия компанияси Ўзбекистонда **Global G.A.P**. га мувофиқ миллий кадрлар тайёрлаш ва сертификатлаштиришни амалий равишда амалга оширишда ёрдам бера бошлаган.

Экспертларнинг баҳолашига кўра, дунё органик маҳсулотлари бозорида сўнгги 5 йил давомида йилига ўртача 15 фоиздан ўсишга эришилиб, 2022 йилда савдо айланмаси 212 млрд АҚШ доллари (жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришини умумий ҳажмининг 20 фоизи)ни ташкил этиши прогноз қилинган.

Органик қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари институти (FiBL) маълумотларига кўра, дунёнинг 103 та мамлакатида органик қишлоқ хўжалиги тўғрисида қонун қабул қилинган бўлиб, яна 6 та мамлакатда қонун ишлаб чиқилмоқда.

Жаҳон органик қишлоқ хўжалиги статистикаси бўйича 2019 йилдаги нашрида **Ўзбекистон Республикаси мева етиштириш бўйича қулай шароитга эга бўлган дунёдаги 10 та давлат қаторига киритилган ва республикамиз органик мева ишлаб чиқариш учун қулай ер майдонларига эга эканлиги қайд этилган.**

Республикамиздаги «Sunny Fruit Production» МЧЖ томонидан 2017 - 2019 йилларда жами **1 848 тонна органик майиз етиштирилиб, Россия Федерацияси, Франция, Германия, Голландия, Италия ва Греция** мамлакатларига майизнинг анъанавий турига нисбатан 14,7 фоизга юқори нархларда экспорт қилинган ва 4,1 баробар кўпроқ соф фойда олинган.

Global G.A.P. **(Good Agricultural Practice)** – Энг яхши қишлоқ хўжалиги амалиёти. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун биринчи даражали стандарт бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини экиш вақтидан то маҳсулотларни йиғиб олишгача бўлган жараёнлар.

Агар чорвачиликда бўлса ишлаб чиқаришга киришиш вақтидан оралиқ маҳсулот ҳолатига келгунча (боқиш ва сўйиш) бўлган даврда барча ишлаб чиқариш жараёнларини қамраб олган стандарт ҳисобланади.

GLOBAL GAP стандарти 1997 йилда Германияда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда дунё бўйича кенг тарқалмоқда. Сўнги йилги маълумотга кўра GLOBAL GAP стандарти жаҳоннинг 124 та давлатида жорий этилган бўлиб. Бу давлатларда 180 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи, озиқ-овқат савдоси билан шуғулланувчи йирик фирма, корхоналар сертификатига эга ҳисобланади.

Дунё бўйича Global G.A.P. стандартини жорий қилиш орқали сертификат олган ташкилотлар сони йил сайин ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.



GLOBAL G.A.P. экспорт қилувчи корхоналарда, озиқ овқат хавфсизлиги билан боғлиқ тахдидларни минимум даражага тушириш учун хизмат қилувчи ҳозирги кунда энг муҳум стандарт ҳисобланади.

Шунинг учун ушбу стандарт ҳозирги даврда қишлоқ хўжалиги сохасида муҳим аҳамиятга эга стандарт ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги “Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2935-сонли қарори.

2.Исматуллаев Ф.Р., Парпиев М.П., Исмоилов Б.Х. “Обработка результатов измерений”. Учебное пособие. Т. ТХТИ. 2019. 48 с

3. Абдувалиев А.А., “Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш” Дарслик “Шарқ” 2018.607-б.

4. П.Р.Исматуллаев, П.М.Матякубова, А.Тураев, Стандартлаштириш асослари Дарслик Т. ТошДТУ, 2019й, 333б.

5. Парпиев М.П., Рахмонова Г.С., Иногамова Н.С., “Ўлчаш хатоликлари”. Ўқув қўлланма. “Top Image Media”. 2014. 125 б.

6.Парпиев М.П., Абдурахмонов О.Х., Назаров А.М., Асилова Ф.М.,”Стандартлаштириш асослари” . Ўқув қўлланма. 2020 йил 80 б.

Интернет сайтлари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали
2. www.standart.uz – “Ўзстандарт” агентлиги сайти
3. www.iso.com – Халқаро стандартлаштириш ташкилоти сайти
4. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон таълим портали
5. www.lex.uz – Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари портали
6. www.metrolog.ru – Метрология бўйича Россия федерациясининг сайти

WORDLY KNOWLEDGE